

Табий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш ва қабул қилиш

ШАРТНОМАСИ

2022 йил "24.04" 521/494-сон

Навоий ш.

(шартнома тузилган жой)

Низом асосида фаолият юритувчи Навоий ш. 521/494-сон

(Истеъмолчи номи)

(кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади), раҳбари Навоий ш. 521/494-сон бир томондан ҳамда Низом ва 2021 йил "16" ноябрда берилган 42-19-48/84-сонли ишончнома асосида фаолият юритувчи "Худудгазтаъминот" АЖ "Худудгаз Навоий" газтаъминоти филиали (кейинги ўринларда "Етказиб берувчи" деб аталади), раҳбари в.в.б Н.С.Гаффаров иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Етказиб берувчи ўз зиммасига газ тармоқлари орқали Истеъмолчининг келишилган буюртмаларига бўйича табий газ (кейинларда ўринларда газ деб аталади) етказиб бериш мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ҳажмда газни қабул қилиш мажбуриятини олади ҳамда тўловларин белгиланган нарх бўйича ўз муддатига амалга оширади.

1.2. Етказиб берувчи газни ушбу шартномага ва газлаштириш лойиҳасига мувофиқ, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертифицирланган эга газ қурilmалари, шунингдек, электрон газни ҳисоблаш приборлари (кейинги ўринларда ҳисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи Етказиб берувчига тасдиқланган метрларга (Табий газдан фойдаланиш қоидаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотта (ёки кўрсатилаётган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эхтиёжни тақдим этади.

Истеъмолчи жорий йилнинг 15 июль кунига қадар келгуси йилда истеъмол қилиниши тахмин қилинаётган газ ҳажми бўйича буюртма беради.

1.4. Истеъмолчи билан келишилган буюртма бўйича етказиб бериладиган газ ҳажми техник шартларда белгиланган босим ва ҳажмда 2022 йилда 23484 куб.м, нархи 660 минг сўмни ташкил қилади, жумладан чораклар ва ойлار бўйича қуйидагича тақсимланади:

I чорак	<u>23484</u>	минг куб.м,	январь	<u>2636</u>	февраль	<u>2303</u>	март	<u>4545</u>
II чорак	<u>7</u>	минг куб.м,	апрель	<u>7</u>	май	<u>7</u>	июнь	<u>7</u>
III чорак	<u>7</u>	минг куб.м,	июль	<u>7</u>	август	<u>7</u>	сентябрь	<u>7</u>
IV чорак	<u>7</u>	минг куб.м,	октябрь	<u>7</u>	ноябрь	<u>7</u>	декабрь	<u>7</u>

Етказиб берувчи томонидан хизматларни тўлиқ ҳажмда кўрсатиш учун магистрал ва газ тақсироти тармоқларининг ишлаши издан чиққан тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қароридан кайд этилган стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчиларга 20 йилда зарур бўлган табий газнинг минимал ҳажми _____ минг куб метрни, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича қуйидагича тақсим қилади:

I чорак	<u>7</u>	минг куб.м,	январь	<u>7</u>	февраль	<u>7</u>	март	<u>7</u>
II чорак	<u>7</u>	минг куб.м,	апрель	<u>7</u>	май	<u>7</u>	июнь	<u>7</u>
III чорак	<u>7</u>	минг куб.м,	июль	<u>7</u>	август	<u>7</u>	сентябрь	<u>7</u>
IV чорак	<u>7</u>	минг куб.м,	октябрь	<u>7</u>	ноябрь	<u>7</u>	декабрь	<u>7</u>

1.5. Агар, Истеъмолчи ойлар бўйича бўлинган буюртмаларни тақдим этмаса, Етказиб берувчи томонидан чорак учун ажратилган табий газ ҳажми ойлар бўйича бир хил миқдорда тақсимланади.

1.6. Етказиб берувчи Истеъмолчи буюртмаларини табий газ ресурсларининг ва газни тақсимлашнинг тасдиқланган балансига мувофиқ ажратилган ҳажмлар доирасида